

“OYNA” JURNALIDAN “OYNA” SAYTIGA

Мунира Исомиддинова

ЎзЖОКУ, катта ўқитувчиси

**Маҳмудхўжа Бехбудийнинг уч сафари ҳақида**

Туризмнинг тараққиётида Ўрта Осиёлик сайёҳ олимларнинг ўрни катта. Жумладан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Ёқут Ҳамавий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Заҳириддин Бобур, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби алломаларни фахр билан тилга олиш мумкин. Улар нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мўътабар олимлардир.

Шарқшунос мутахассисларнинг ёзишича, Беруний ҳаёти давомида 180 та китоб ёзган. У саёхати давомида кўрган ва кузатганларини ўзининг “Осори боқиа” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”), “Ҳиндистон” каби тарихий ва қимматбаҳо асарларида ёзиб қолдирган. У мазкур тарихий асарларни нафақат география, балки туризмнинг ривожланишига, сайёҳларга қўлланма сифатида ҳам тавсия этган. Берунийнинг “Геодезия” китобини тўла маънодаги сайёҳлик қўлланмаси деса бўлади. Чунки унда аҳоли манзилгоҳлари, сайёҳлик объектларининг координаталари, уларнинг хусусиятлари баён этилган ва ўзи глобус тайёрлагани таъкидлаб ўтилган. У “Ҳиндистон” асарида сайёҳлар учун керакли бўлган маълумотларни, яъни Ҳиндистон давлатининг табиати (иқлими, рельефи, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, гидрографияси) ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтириб ўтган. Беруний фан тарихида биринчилардан бўлиб глобус тайёрлаган ва дунё харитасини яратган олим сифатида дунёга маълум ва машҳурдир. Қолаверса, юқорида номлари зикр этилган олим ва аждодларимизнинг ҳам сайёҳлик соҳасига қўшган хизматлари беқиёсдир. Марҳум профессор, география фанлари доктори Ҳ.Ҳ.Ҳасанов Муҳаммад Хоразмий ҳақида: “Муҳаммад Хоразмий Ўрта Осиёнинг географ олимигина эмас, балки Шарқ географиясининг асосчиси, узоқ Испаниядан то Қошғаргача барча табиатшунос, географ сайёҳ олимларга илҳом берган, намуна бўлган йўлбошчиси ҳамдир”<sup>1</sup> деган эди.

Яқин ўтмишимиз, яъни XIX аср охирларидан XX аср охиригача давом этган рус мустаклакачилиги даврида яшаб ижод қилган (жадид) алломалар

<sup>1</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: “Ўзбекистон” 1981, 19-бет.

фаолиятининг айрим саҳифалари ҳам туризмнинг ривожланишига маълум маънода катта ҳисса қўшди. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийлар рус мустамлакачиларининг кескин қаршилиги, тайзиқи ва босимига қарамай ўз эътиқоди, қарашларини ўзгартирмадилар.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1899 йилда, айна 24 ёшида Кавказ, Туркия орқали муқаддас ҳаж сафарига боради. Ўзининг таъкидлашича: “1318-санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоға Кавказ йўли Истанбул ва Миср ал-Қоҳира воситаси-ла бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилиб эди”<sup>2</sup>

Бехбудийнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганган жадидшунос олим Б.Қосимов: “Маҳмудхўжа 1903-1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан, Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултой чақирилади. Бехбудий бу қурултойда туркистонлииклар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди”<sup>3</sup>, – деб ёзади. Бугунги кун туризмнинг саёҳатчининг мақсад ва манфаатига кўра билиш ва ўрганиш, соғломлаштириш ва соғлиқни тиклаш, савдо, касбий (хизмат), диний ва спорт турларига бўлиниши нуқтаи назаридан қараганда Бехбудийнинг муқаддас ҳаж сафарига бориши ва қурултойда иштирок этиши унинг жасур сайёҳ олим бўлганлигидан далолатдир.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йилда учинчи бор саёҳатга борди. Бу саёҳат Бехбудий ҳаётида энг самарали, қизиқарли бўлиши билан бирга, ўзига хос кашфиётларнинг, янгича дунёвий тафаккурнинг шаклланишига олиб келди. Мазкур саёҳат 1914 йилнинг 29 майдан бошланган. Саёҳат йўналиши қуйидагича бўлган: Самарқанд – Байрамали (ҳозирги Марв, Туркменистон) – Ашхобод – Кўктепа (Туркменистон) – Красноводск (Туркманбоши) – Боку – Минералние Води (Ставропол ўлкаси) – Ессентуки (Ставропол ўлкаси) – Пятигорск (Ставропол ўлкаси) – Железноводск (Ставропол ўлкаси) – Ростов (Ростов обл.) – Одесса (Украина) – Истанбул (Туркия) – Андирна (Туркия) – Истанбул – Измир (Туркия) – Байрут (Ливан) – Шом (Дамашқ-Сурия) – Байрут – Қуддус (Исроил) – Халил ал Раҳмон – Қуддус – Ёфа – Порт Саид (Миср) – Қоҳира (Миср). Лекин унинг қайтиш йўналиши ва саёҳатнинг қанча давом этганлиги аслида номаълум. У “Ойна” журналининг 1914 йилдаги 31-сонидан: “Оқибат қарор берилдики, Кавказ ва Қрим воситаси-ла Истанбулға, айнан Юнонистонға кириб, Рум эли темир йўли

<sup>2</sup> Бехбудий М. Қасди сафар. “Ойна” ж., 1914 йил, 31-сон.

<sup>3</sup> Қосимов Б. Карвонбоши. // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 1997 10-бет. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: “Маънавият”, 2002, 219-бет.

Булғористон, Австрия ва Байрут тариқи-ла Мисрал-Қоҳирага бориб, яна қайтишга Истанбулга кириб, рум эли темир йўли ила Булғористон, Австрия ва Берлин тариқи-ла ватани азизимиз Русия ва Туркистонга адват этилса, икки-уч ойдан бери ушбу сафарнинг таҳийяси (дуо, салом)да эдук. Бул аснода Петербургда бўлғучи Миллий мамжлис машваратиға бормоқ учун Дума вакили жаноби Такликуфдан таклиф тилигрофи ва саволномалар келди. Саволномалариға кераклик жавоблар юборилиб, мааттассуф (афсуски), боришға сафар монё бўлди. Эмди сафарға азм этдук”<sup>4</sup>, – деб ёзади. Беҳбудийнинг ушбу гапи унинг Миср ал-Қоҳирага борганлиги ва қайтишда қайси йўналиш бўйлаб келганлигини мавҳумлаштиради. “Ойна” журналида унинг Порт Саидгача борганлиги ва у ердан Миср ал-Қоҳирага бориши лозимлиги баён этилади, холос. Масаланинг яна бир жиҳати, саёҳат хотираларининг давоми журналда босилганми ёки йўқми бу ёғи ҳам қоронғу. Шу билан бирга “Ойна”нинг қолган сонларини топиш мушкул бўлиши билан бирга, журнал 1915 йилнинг июнь ойигача нашрдан чиққан, холос.

Беҳбудий қай юртга саёҳат қилмасин, боған жойлари, кўрган-кечирганларининг энг ибратга арзигулик жиҳатларини қаламга олади, она юрти Туркистон билан солиштиради, масалан, Россия ёки Туркиядаги цивилизация белгиларини кўрганда шу каби маданият белгиларини ўз ватанида ҳам кўриш орзусини қилади. У борган шаҳарларида албатта матбуотга ҳам қизиқиб кўради, таҳририятларга бориб, ижодий жамоа билан танишади. Буни Беҳбудий “Ойна” журналининг бир неча сониди эълон қилган “Саёҳат хотиралари”да учратишимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш мумкинки, Ўрта Осиё олимлари илм-фан тараққиётига, шу билан бир қаторда туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Сабаби, улар ўзларининг саёҳати натижасида яратган асарлари билан оммани билишга, интилишга, ўрганишга чорлаганлар ҳамда жаҳонда илм-фан тараққиётига муносиб улуш қўшганлар. Улар сайёҳлар учун керакли маълумотлар акс этган қўлланмалар ёзганлар. Жаҳон туризми тарихида Ўрта Осиё туризмнинг шаклланишига муносиб улуш қўшганлар.

<sup>4</sup> Беҳбудий М. “Ойна” ж., 1914 йил, 31-сон. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”, 1997, 54-бет.